

Навоий вилояти Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 27-уй, М.Улуғбек кўчаси 19а-уй, 25-уй, 27а-уйнинг инженерлик коммуникация тармоқларини мукамал таъмирлаш объекти (лот 7173864) бўйича танлов комиссияси йиғилиш

01-123/1-сон БАЁНИ

“07” 12 2021 йил

Навоий шаҳри

Танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 9 мартдаги №65-сонли буйруғига асосан қуйидаги таркибда ташкил этилган.

**Комиссия раиси:** **Н.Жуманиёзов** Навоий вилоят “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи;

**Комиссия раиси ўринбосари** **А.Бўриев** “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят худудий филиали раҳбари;

**Комиссия аъзолари:** **К.Рустамов** Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш вилоят худудий инспекцияси бошлиғи;

**Ш.Туракулов** Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармасининг Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бош инспектори;

**У.Ядгаров** «Меъморлойиха» МЧЖ раҳбари;

**Комиссия котиби:** **М.Ахмедов** “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят худудий филиали бош мутахассиси, овоз бериш ҳуқуқисиз

Комиссия йиғилишида Ш.Туракулов К.Рустамов иштирок этмади.

#### КУН ТАРТИБИ:

1. Танлов ўтказиш мақсадида келиб тушган таклифларнинг техник конвертларни очиш.

**Кун тартибидаги масала юзасидан**, танлов комиссияси раиси Н.Жуманиёзов сўзга чиқиб, 2003 йил 3 июлдаги 302-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаблари бўйича танлов (тендер) ўтказиш бўйича ушбу объект танлов савдолари эълон қилинганлиги ҳақида қисқача маълумот берди.

Кун тартибидаги объект, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги “Навоий Кон-Металлургия комбинати давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган, ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган активларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида шакллантирилган манзилли дастурга киритилганлигини маълум қилди.

Раис кун тартибини эълон қилиб, кворумни сарҳисоб этди ва кворум 80 % га таъминланганлигини айтди.

Н.Жуманиёзов танлов комиссиясининг ишини очик деб эълон қилиш ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Комиссия раиси танлов савдолари йиғилишини очик деб эълон қилиб, сўз навбатини танлов комиссиянинг котибига берди. Котиб комиссия аъзолари ва

қатнашчиларни, танлов савдоларини ўтказиш жараёни хақида қисқача таништириб ўтди, ҳамда ушбу объект бўйича танлов савдосини ўтказиш тўғрисидаги эълон, Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали (dxarid.uzex.uz)га 23.11.2021 йилда ишларининг бошланғич қиймати **243 191 649 сўм ҚҚС билан**, ишни бажариш муддати 20 кун лот рақами **7173864** бўлган эълон жойлаштирилганлигини маълум қилди.

Таклифларни қабул қилишнинг охириги муддатига қадар қуйидаги талабгор ташкилотлар томонидан йиғма жилдлар келиб тушганлигини эълон қилди.

- 1."HAZORA TARAQQIYOT" МЧЖ
- 2."VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ
- 3."SHOXRUXMIRZO NAVOIY" ХК

Шундан сўнг танлов комиссияси томонидан тақдим қилинган таклифларни кўриб чиқиш мақсадида, талабгор корхоналарнинг вакиллари иштирокида ташқи конверт (1-йиғма жилд) ҳужжатлари очиб ўқиб эшиттирилди.

"HAZORA TARAQQIYOT" МЧЖ, "VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ, "SHOXRUXMIRZO NAVOIY" ХКлар томонларидан тақдим қилинган ташқи конверт (1-йиғма жилд) ҳужжатлар тўлиқлигини инобатга олган ҳолда, ҳужжатларидаги ташкилий, молиявий, ишлаб чиқариш ва техник имкониятларини, танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини, тегишли равишда расмийлаштирилганлигини ўрганиб чиқиб, баҳолаш мақсадида танлов комиссияси аъзоларидан баҳолаш гуруҳи тузиш таклиф қилинди.

Танлов комиссияси аъзолари ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашиб, келиб тушган таклифларни овоз бериш йўли билан кўриб чиқиш натижалари бўйича, бир овоздан

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Талабгорлар "HAZORA TARAQQIYOT" МЧЖ, "VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ, "SHOXRUXMIRZO NAVOIY" ХКлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни танлов ҳужжатлари талабларига мослиги ва уларни мувофиқлигини баҳолаш гуруҳи томонидан ўрганилсин.


**Танлов комиссияси аъзолари:**

Н.Жуманиёзов

А.Бўриев

У.Ядгаров

Комиссия котиби: М.Ахмедов



Навоий вилояти Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 27-уй, М.Улуғбек кўчаси 19а-уй, 25-уй, 27а-уйнинг инжинерлик коммуникация тармоқларини мукамал таъмирлаш объекти (лот 7173864) бўйича танлов комиссияси йиғилиш  
01-123/2-сон БАЁНИ

“ 10 ” 12 2021 йил

Навоий шаҳри

Танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 9 мартдаги №65-сонли буйруғига асосан қуйидаги таркибда ташкил этилган.

**Комиссия раиси:** **Н.Жуманиёзов** Навоий вилоят “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи;  
**Комиссия раиси ўринбосари** **А.Бўриев** “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят ҳудудий филиали раҳбари;  
**Комиссия аъзолари:** **К.Рустамов** Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи;  
**Ш.Туракулов** Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармасининг Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бош инспектори;  
**У.Ядгаров** «Меъморлойиха» МЧЖ раҳбари;  
**Комиссия котиби:** **М.Ахмедов** “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят ҳудудий филиали бош мутахассиси, овоз бериш ҳуқуқсиз

Комиссия йиғилишида Ш.Туракулов К.Рустамов иштирок этмади.

#### КУН ТАРТИБИ:

1. Ташки конверт (1-йиғма жилд) ҳужжатлари ўрганиш бўйича баҳолаш гуруҳи хулосасини ўрганиш;
2. Нархга оид ички конверт (2-йиғма жилд) ҳужжатлари очиш.
3. Ички конверт (2-йиғма жилд) ҳужжатлари ўрганиш бўйича баҳолаш гуруҳи хулосасини ўрганиш;
4. Ғолибни элон қилиш;

Кун тартибидаги масала юзасидан, иштирокчиларни малакаси ўрганилди ва хулосаси ўқиб эшиттирилди. Унга кўра:

Н.Жуманиёзов танлов комиссиясининг ишини очиқ деб эълон қилиш ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан, баҳолаш гуруҳи хулосаси ўқиб эшиттирилди. Унга кўра:

"HAZORA TARAQQIYOT" МЧЖ 81,0 балл

"VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ 83,0 балл

"SHOXRUXMIRZO NAVOIY" ХК 66,0 балл

тўплаганлиги маълум қилинди (баҳолаш гуруҳи хулосаси илова қилинади).

Комиссия аъзолари тамонидан таклиф бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг талабгор корхоналарнинг вакиллари иштирокида "HAZORA TARAQQIYOT" МЧЖ, "VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ, "SHOXRUXMIRZO NAVOIY" ХКларнинг иккинчи йиғма жилдлари очилишига рухсат этилди.

Талабгор "HAZORA TARAQQIYOT" МЧЖнинг ишларни бажариш учун ҚҚС билан 218 872 918 сўм, ишларни яқунлаш муддати 20 кун.

Талабгор "VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖнинг ишларни бажариш учун ҚҚС билан 218 872 485 сўм, ишларни яқунлаш муддати 15 кун.

Талабгор "SHOXRUXMIRZO NAVOIY" ХКнинг ишларни бажариш учун ҚҚС билан 241 171 199 сўм, ишларни яқунлаш муддати 20 кун.

Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан **243 191 649** сўм, ишларни яқунлаш муддати 20 кун.

Комиссия аъзолари талабгорларнинг нархга оид ҳужжатлари ўрганиб чиқиб, таклифдаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганлигини, таклифдаги иш ҳажмлар Буюртмачининг танлов ҳужжатларида кўрсатилган иш ҳажмларига мос келшини, ташкилотларнинг таклифлари ҳам буюртмачининг бошланғич нархидан паст эканлигини эътироф этди ва танлов шартларидаги якуний баҳолаш мезонларининг баҳолаш натижаларига асосан, талабгорлар қуйидаги балларни тўплаганлигини маълум қилди:

- "HAZORA TARAQQIYOT" МЧЖ - 98,7 балл;
- "VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ - 100 балл;
- "SHOXRUXMIRZO NAVOIY" ХК - 66,0 балл;

*(танлов таклифларини якуний баҳолаш жадвали илова қилинади).*

**"VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ**ни танлов таклифларини якуний баҳолаш мезонлари шартларига асосан энг юқори балл тўплаганлигини инобатга олиб, Навоий вилояти Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 27-уй, М.Улуғбек кўчаси 19а-уй, 25-уй, 27а-уйнинг инжинерлик коммуникация тармоқларини мукамал таъмирлаш ишлари объекти бўйича танлов ғолиби деб топиш таклифи киритилди ва овозга қўйилди.


Комиссия раиси томонидан таклиф овозга қўйилди. Розилар – 3 киши, Бетарафлар – йўқ, Қаршилар – йўқ. Комиссия кўпчилик овоз билан

#### ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. Талабгор **"VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ** Навоий вилояти Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 27-уй, М.Улуғбек кўчаси 19а-уй, 25-уй, 27а-уйнинг инжинерлик коммуникация тармоқларини мукамал таъмирлаш ишлари объекти бўйича ишларни бажариш учун ҚҚС билан **218 872 485** сўм (икки юз ўн саккиз миллион саккиз юз етмиш икки минг тўрт юз саксон беш) сўм, ишларни яқунлаш муддати 15 (ўн беш) кун таклифи билан ғолиб деб топилсин.
2. **"VANG'OZI BUNYODKOR QURILISH" МЧЖ** билан ўрнатилган тартибда шартнома расмийлаштирилсин ва ишни бажариш бўйича тегишли ҳужжатлари тақдим этилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:

Н.Жуманиёзов



А.Бўриев



У.Ядгаров



Комиссия котиби: М.Ахмедов

